

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА РАЎБАТЛАНТИРУВЧИ НОРМАЛАР ҚЎЛЛАШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

АБДУҚАХХОРОВ САРВАРБЕК АБДУСАМАТ ЎҒЛИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Жиноят ҳуқуқи кафедраси катта ўқитувчиси*

Аннотация: Мақолада жиноят ишларини юритишда рағбатлантирувчи нормаларни қўллаш ҳолатлари таҳлил қилиниб, илмий асосланган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таянч сўзлар: айбига иқрорлик бўйича келишув, тергов, ҳимоячи, илтимоснома, адвокат.

Бугунги кунда Ўзбекистонда жиноят содир этишда гумон қилиниб ушланган шахслар, айниқса вояга етмаганларни ҳаракатланиш эркинлиги чекланган вақтдан бошлаб ҳимоячи билан таъминлаш, гумон қилинувчини ва айбланувчини жазодан озод этишга ёхуд уни қисқартиришга, шунингдек жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг иш ҳажмини қисқартириш орқали жиноятларни тез ва тўла очишга эришиш мақсадида рағбатлантирувчи нормалардан кенг фойдаланиш йўллари ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шунинг учун ҳам, биз мазкур мақоламизда рағбатлантирувчи нормаларнинг аксариятига, шунингдек вояга етмаган шахснинг ҳимоячи билан таъминлашга тўхталиб ўтиб, уларни амалиётда янада самарали қўлланилишига доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқамиз.

Рағбатлантирувчи нормалар борасида бир қанча олимлар ўзининг фикрларини билдириб ўтган. Жумладан, Д.Р. Қурбонов рағбатлантирувчи нормалар шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жазони енгиллаштириш ёки жиноий қилмишнинг шахс учун ноқулай бўлган бошқа жиноят-ҳуқуқий оқибатларини бартараф этишга олиб келади деган бўлса, У.М. Мирзаев рағбатлантирувчи нормалар озодликдан маҳрум қилиш жазосининг салбий таъсири ва оқибатларидан халос бўлишга имкон яратади деб таъкидлаб ўтган [1].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 6041-сонли Фармони қабул қилинди [2]. Мазкур Фармонда айбига иқрорлик бўйича келишув институтини жорий қилиш лозимлиги кўрсатилган эди. Юқоридаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат чиққанлигига кўп бўлмасдан, яъни 2021 йил 18 февраль куни амалдаги ЖПКга айбига иқрорлик бўйича келишув институти киритилди [3].

Айбига иқрорлик тўғрисида келишув бу – ўзига нисбатан қўйилган гумонга, айбловга рози бўлган, жиноятнинг очилишига фаол ёрдам берган ва келтирилган зарарни бартараф қилган гумон қилинувчи ёки айбланувчи томонидан билдирилган илтимосномага асосан жиноят ишини юритишни назорат қилувчи прокурор билан айрим тоифадаги жиноятлар бўйича тузиладиган келишувдир.

Бир қанча муаллифлар айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг қонунчиликка киритилишидан асосий мақсад жиноятларни тергов қилиш вақтини тезлаштириш ва суд юкини енгиллаштиради [4], жабрланувчиларга етказилган мулкӣ зарарни қоплашни оснolлаштириш деб билади [5].

Б. Стефаноснинг фикрича, айбига иқрорлик тўғрисида келишув, биринчи навбатда, жиноят ишини юритишнинг тезкорлигига, процессуал харажатларнинг камайишига, диспозитив тамойилларнинг кенгайишига, жазо тури ва чорасини олдиндан тахмин қилинишига имкон беради [6].

Б.А. Саидов келишув институтининг иқтисодий томонларига кўпроқ эътибор қаратади. Яъни: “давлат органларининг ишни судга қадар юритиш босқичидаги харажатлари кескин камаяди; процесс иштирокчиларининг судга қадар, ҳатто суд жараёни давридаги сарсонгарчилиги ва ортиқча сарф-харажати камаяди; жабрланувчига етказилган моддий зарар тўлиқ қопланади; жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларнинг вақти тежалади, ортиқча қоғозбозликка чек қўйилади, тежалган вақт бошқа муҳим ишларни тергов қилишга сарфланади; озодликдан маҳрум этилган шахсларни сақлаш билан боғлиқ харажатлар камаяди ва ҳ.к.” [7, 198-б.].

В.Ю. Мельников ҳам ўз тадқиқотида Б.А. Саидов фикрига яқин қарашни илгари суради [8].

Бошқалар эса ушбу институтнинг камчиликларини алоҳида кўрсатиб ўтади.

Мисол учун Б.Х. Толеубекова, Т.Б. Хведелидзеларнинг фикрича айбига иқрорлик бўйича келишув тузилган ишларда суриштирув, дастлабки тергов ва суд тўлиқ амалга оширилмаслиги сабабли ушбу институт айбсизлик презумпциясига зиддир [9].

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувда шахснинг айбини тўлиқ исбот қилиш мумкин бўлган ҳажмдаги процессуал ҳаракатлар амалга оширилмайди [10].

Бизнинг фикримизча, ушбу институтнинг ЖПКга киритилиши жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахслар, процесс иштирокчилари ва умуман давлат учун ижобий аҳамиятга эга. Лекин шуни инобатга олиш лозимки, жиноят ишларини юритишдан бош мақсад жиноят-процесси вазифаларини бажариш бўлмоғи лозим. Биз биламизки, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят

содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги учун айбдорларни фош этиш жиноят процессининг асосий вазифаларига киради. Шунинг учун ҳам, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув тузилишининг ўзи суриштирувчи, терговчи, прокурорни жиноятни тўла ва ҳар томонлама тергов қилиш, судни эса ҳар бир воқеани синчковлик билан муҳокама қилиш мажбуриятидан озод этмаслиги лозим. Шундагина барча айбдорлар жазоланишига, айби бўлмаган шахслар эса жавобгарликка тортилмаслигига эришилса бўлади.

Айбига иқрорлик бўйича келишув тузилаётганда ҳимоячининг мажбурий иштирокини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, ҳимоячи айбига иқрорлик бўйича келишувда ҳимояси остидаги шахс ҳуқуқлари бузилмаслигини кўшимча кафолати ҳисобланади. Бундай ишларда ҳимоячи айбига иқрорлик бўйича келишувнинг ихтиёрийлигини, гумон қилинувчи, айбланувчига ҳеч қандай тазйиқ-зўравонлик ҳолатлари содир этилмаганлигини аниқлаши долзарб аҳамият касб этади. Чунки жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари томонидан гумон қилинувчи ва айбланувчига нисбатан турли хил босимлар, мажбурлаш ҳолатлари бўлган бўлиши мумкин.

Юқоридагиларга асосланиб айта оламизки, айбига иқрорлик бўйича келишув тузиладиган ишларда ҳеч қандай юридик маълумотга эга бўлмаган гумон қилинувчи ва айбланувчининг ҳимоячисиз мустақил жиноят ишида иштирок этиши, унинг турли хил ҳуқуқлари ноқонуний чекланишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам бундай ишларда гумон қилинувчи, айбланувчи ҳимоячидан воз кечса ҳам суриштирувчи, терговчи мазкур воз кечишни қабул қилмаслиги керак.

Мазкур соҳадаги халқаро тажрибага эътибор қаратадиган бўлсак **АҚШ**да айбига иқрорлик бўйича келишув тузилаётганда ҳимоячининг иштироки мажбурийдир [11].

Англия жиноий процессига кўра айбига иқрорлик бўйича келишув прокурор ва ҳимоячи ўртасида тузилади. Бунда айбланувчи айблов хулосасининг айрим бандларида кўрсатилган айбловларга иқрор бўлади, прокурор эса айблов хулосасининг бошқа бандлари бўйича жиноят иши юритишини тўхтатади. **Франция**да айбига иқрорлик бўйича келишувнинг ташаббускори нафақат айбланувчи ва унинг ҳимоячиси, балки прокурор ҳамда тергов судьяси ҳам бўлиши мумкин. **Германия Федерацияси**да [12] ва **Қозоғистон Республикаси**да ҳам мазкур келишув тузилаётганда ҳимоячининг иштироки мажбурийдир [13].

Амалдаги ЖПКда айбига иқрорлик бўйича келишув тузилаётган ишлар бўйича қачондан бошлаб ҳимоячининг мажбурий иштирок этиши лозимлиги аниқ тартибга солинмаган.

Химоячининг айбига иқрорлик бўйича келишувга доир асосий вазифаларидан бири, гумон қилинувчи, айбланувчи мазкур институтнинг мазмун-моҳиятини, келишув тузилгандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларини тўғри англаб етганлигини аниқлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам, суриштирувчи, терговчи шахс айбига иқрорлик бўйича келишув тузиш хоҳишини билдирган вақтдан бошлаб химоячини иштирокини таъминлаши мақсадга мувофиқ бўлади. Агар химояси остидаги шахс мазкур институтни моҳиятини нотўғри тушунган бўлса, химоячи унга қайтадан тушунтириши ва шунга қараб кейинги қилинадиган ишлар кетма-кетлигини режалаштириши керак. Мазкур тартиб бугунги кунда **Қозоғистон Республикаси** ЖПК (67-модда) [13] ҳамда **Украина Республикаси** ЖПКда (52-модда) мавжуддир [14].

Юқоридагилардан қуйидагича хулоса чиқарамиз:

- ЖПКнинг 586²-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги гап билан тўлдириш:

гумон қилинувчи, айбланувчи айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақида хоҳиш билдирган вақтдан бошлаб химоячининг иштирок этиши шарт.

Айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув билан боғлиқ муаммолардан яна бири, унинг амалиётда кам қўлланилаётганлигидир. Юқоридаги институт 2021 йилда жами бўлиб 33 марта қўлланилган. Ўзбекистон Республикаси бўйича мазкур йилда 84100 та жиноят содир этилган [15]. Бундан кўринадикки, мазкур институтнинг қўлланилиш даражаси 2021 йил давомида содир этилган жиноятларнинг атиги 0,04 фоизини ташкил этади. Қонунчилигида айбига иқрорлик тўғрисида келишув мавжуд бўлган хорижий давлатларга нисбатан унинг қўлланилиш сони жуда камдир. Мисол учун, АҚШда 90% гача [16, 39-б.], Германия Федерациясида 70 % дан ортиқ жиноят ишлари ушбу тартибда кўрилади [17].

Бизнинг назаримизда мазкур институтнинг кам қўлланилишига икки хил омил сабаб бўлмоқда:

биринчиси, суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, адвокатларнинг ушбу институт ҳақида етарли маълумотга эга эмаслиги ҳисобланади. Амалиёт ходимлари айбига иқрорлик тўғрисида келишув институтининг мазмунини билиш-билмаслик масаласи сўровнома орқали ўрганилганда, уларнинг 76 % юқоридаги институт ҳақида умуман хабарсизлигини маълум қилган. Бунга ечим бўлиб жиноят ишини юритишга масъул бўлган мансабдор шахсларни, адвокатларни қайтадан малакасини ошириш жараёнида ушбу институтнинг мазмунига батафсил тўхталиш, унинг моҳиятини тўла очиб берувчи видеодарсликлар яратиш ва улар билан амалиёт ходимларини таъминлаш лозим.

иккинчиси, гумон қилинувчи, айбланувчининг ушбу институт ҳақида беҳабарлиги. Амалдаги ЖПКда гумон қилинувчи ва айбланувчи айбига

икрорлик тўғрисида келишув тузиш тўғрисида илтимоснома бериши мумкинлиги тўғрисида ўз ҳуқуқини қайси субъект томонидан тушунтирилиши масаласи очиқ қолган. Суриштирувчи, терговчи, ЖПК 360-моддасига мувофиқ гумон қилинувчини ЖПКнинг 48-моддасида белгиланган ҳуқуқлари билан таништириши лозим. Юқоридаги моддаларда белгиланган ҳуқуқлар орасида илтимоснома бериш ҳуқуқи кўрсатилган. Лекин ҳеч қандай ҳуқуқ соҳасида билимга эга бўлмаган айбланувчига илтимоснома бериш ҳуқуқига эга эканлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзигини кифоя қилмайди. Чунки дастлабки тергов ва суриштирув босқичида бериладиган, келгусида айбланувчига тайинланадиган жазога бевосита таъсир қиладиган шундай илтимосномалар борки, уларни алоҳида тушунтириб ўтмаслик мумкин эмас. Айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузиш ҳақидаги илтимоснома юқоридаги илтимосномалар сирасига киради. Суриштирувчи, терговчи айбланувчига айбига иқрорлик тўғрисида келишув тузиш учун илтимоснома бериши мумкинлигини ва унинг моҳиятини, агар прокурор билан мазкур келишувни тузадиган бўлса унга нисбатан келгусида Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган энг кўп жазонинг яримидан кўп бўлмаган миқдори ёхуд муддатигача жазо тайинланиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Ушбу ишларнинг қилинмаслиги, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг тўлиқ ишламаслигига олиб келади. Чунки айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув ЖПКнинг 586¹-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган ва оғир жиноятлар бўйича тузилади. Бундай ишларда эса ҳимоячининг иштироки мажбурий эмас. Агар, гумон қилинувчи ҳамда айбланувчига айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг моҳияти суриштирувчи, терговчи, ҳимоячи томонидан тушунтирилмаса улар ушбу институт борлиги ҳақида қасрдан билади? Назаримизда, ҳозирги ҳолда айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти, фақат, ҳимоячиси бўлган шахслар ёхуд юридик соҳада етарли маълумотга эга бўлган шахсларга қўлланилади. Юқорида келтирган амалий мисолдан ҳам кўришимиз мумкинки, айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти адвокатга нисбатан қўлланилган.

Бизнинг фикримизча, суриштирувчи, терговчи, нафақат, шахсга айбига иқрорлик бўйича келишув институтининг мазмунини, балки амалдаги ЖКда унга жазо тайинлашда таъсир қилиши мумкин бўлган бошқа рағбатлантирувчи нормалар, жумладан, амалдаги ЖК 55, 57¹, 66¹-моддаларини алоҳида тушунтириб ўтиши лозим.

Юқоридаги моддаларда кўрсатилган қоидаларни гумон қилинувчи ҳамда айбланувчига алоҳида тушунтириб берилиши қуйидаги ижобий жиҳатларга эга бўлади:

биринчидан, ЖК 55, 57¹, 66¹-моддаларни амалиётда кенг қўлланилишига эришилади. Бу эса, А.Ж. Саидов тўғри таъкидлаганидек, давлат бюджети сарфини камайтирилишга олиб келади [17];

иккинчидан, ҳимоя ҳуқуқи самарали амалга оширилишига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади;

учинчидан, келтирилган зарарни қисқа муддатларда қопланишига эришилади. Б.А. Саидов ўз тадқиқоти давомида жаврланувчилар билан суҳбат ўтказди. Суҳбат натижаларига кўра, жабрланувчиларнинг кўпчилиги етказилган моддий (маънавий) зарарни қоплаб берилиши уларни «рози» қилишда биринчи ва асосий омил эканлигини билдирган [17];

тўртинчидан, жиноят ишларини юритишда вақтнинг тежалишига олиб келади [18];

бешинчидан, қонунчилик имтиёзларидан барча фуқаролар бирдек фойдаланилишига эришилади. Мисол учун, ҳозирги ҳолат бўйича, суриштирувчи, терговчи рағбатлантирувчи нормалар билан гумон қилинувчи, айбланувчини таништирилиши ҳам, таништирмаслиги ҳам мумкин. Демак бундай имтиёзлардан бугунги кунда, асосан, адвокат ёллаганлар хабардор бўла олади. Чунки адвокат, мижозига ЖКда рағбатлантирувчи нормалар мавжудлигини тушунтирилиши мумкин. Лекин, биз биламизки, барча ҳолатларда ҳам шахснинг адвокат ёллашга хоҳиши ёки имконияти бўлмайди. Бундай гумон қилинувчи ва айбланувчилар уларга қонунчилик бўйича берилган барча имкониятлардан тўла ва самарали фойдалана олмайди. Бу эса адолатсизлик ҳисобланади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Одамлар ҳамма нарсасига чидаши мумкин, лекин адолатсизликка чидай олмайди” деб тўғри таъкидлаган эдилар [19];

олтинчидан, суриштирувчи ва терговчи томонидан коррупцион ҳолатларни олдини олишга хизмат қилади. Мисол учун, ҳозирги ҳолат бўйича суриштирувчи, терговчи гумон қилинувчига “ёрдам қилиш”, жазони енгиллаштириб бериш шарти билан ундан пул олиши мумкин. Гўёки, иложсиз нарсани, иложини қилиш берадиган одам сингари. Рағбатлантирувчи нормалар гумон қилинувчи ҳамда айбланувчига бевосита тушунтирилганда эса, юқоридаги субъектлар жазони енгиллаштирилиши суриштирувчи, терговчининг иши эмас, балки қонунчилик бўйича унга берилган имтиёз эканлигини англаб етади.

Б.А. Саидов амалдаги ЖПК 46, 48-моддасини “процессуал келишувлар судда кўрилаётганида иштирок этиш” жумласи билан тўлдириш лозимлигини ўз тадқиқотида илгари суради [17]. Лекин, мазкур олим процессуал келишувнинг мазмун-моҳиятини гумон қилинувчи, айбланувчига тушунтирилиши лозимлиги ҳақида ўз тадқиқотида тўхталмайди. Назаримизда, Б.А. Саидов илгари сурган

таклифни амалиётга жорий этиб, рағбатлантирувчи нормаларнинг жиноят-процессда кенг қўлланилишига эришиб бўлмайди. Чунки, гумон қилинувчи, айбланувчига “процессуал келишувлар судда кўрилаётганида иштирок этиш” ҳуқуқини айтиб кетиш, “биринчи инстанция ва апелляция инстанцияси судининг мажлисларида иштирок этиш” ҳуқуқи сингари умумий маъно касб этади. Яъни, гумон қилинувчи, айбланувчида айбига иқдорлик тўғрисида келишувнинг ўзи нима, қандай жиноятлар бўйича тузилади, содир этган жиноятга нисбатан мазкур келишувни татбиқ этса бўладими, ўзига қандай енгиллик томонлари борлиги тўғрисида тушунча пайдо бўлмайди.

Рағбатлантирувчи нормаларнинг гумон қилинувчи, айбланувчига тушунтирилишига доир халқаро тажрибага тўхталадиган бўлсак, **Қозоғистон Республикасида** (ЖПК 64, 65-моддалар) гумон қилинувчи, айбланувчининг жабрланувчи билан ярашиш ҳуқуқи, шунингдек, процессуал келишув тузиш ҳақида прокурорга мурожаат қилиш ҳуқуқи тушунтирилиши лозимлиги белгиланган [13]. **Озарбайжон Республикасида** (ЖПК 90, 91-моддалар) гумон қилинувчи ва айбланувчи жабрланувчи билан ярашиш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин эканлигини билиш, шунингдек, ўзининг ЖПКда белгиланган ҳуқуқларидан тўлиқ хабардор бўлиши лозимлиги кўрсатилган [20]. **Эстония Республикаси**га ЖПКга эътибор қиладиган бўлсак (ЖПК 34-модда), жиноят ишини юритишга масъуд бўлган давлат органи мансабдор шахси гумон қилинувчининг келишув тузиш сингари ҳуқуқлари алоҳида тушунтириши кераклигини кўришимиз мумкин [21].

Юқоридагилардан келиб чиқиб, ЖПК 46, 48-моддасининг биринчи қисмини «*кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши*» деган сўзлардан кейин «*Жиноят кодексининг 55, 57¹, 57², 66¹-моддалари мазмун-моҳияти ҳақида хабардор бўлиш*» деган сўзлар билан тўлдириш ҳамда суриштирувчи, терговчига мазкур институтлар мазмун-моҳиятини гумон қилинувчи ва айбланувчига тушунтириш мажбуриятини юклаш лозим деган фикрдамиз.

ФОЙЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Камалова Д. Г. Жиноят ҳуқуқида рағбатлантирувчи нормалар ва уларни жиноят содир этишдан ихтиёрий қайтишдан фарқли жихатлари // URL: file:///C:/Users/User/Downloads/268-%D0%A2%D0%B5%D0%BA%D1%81%D1%82%20%D1%81%D1%82%D0%B0%D1%82%D1%8C%D0%B8-710-1-10-20210226.pdf (мурожаат вақти: 06.06.2024).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 августдаги “Суд-тергов фаолиятида шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6041-сон Фармони // URL: <https://lex.uz/docs/4939467> (мурожаат вақти: 02.06.2022).

3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексн // URL: <https://lex.uz/acts/97664> (мурожаат вақти: 01.08.2024).
4. Юрченко Р. Процессуальные соглашения и законодательное поощрение их заключения // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31669999&pos=6;-118#pos=6;-118 (мурожаат вақти: 26.04.2024).
5. Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве республики казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2024).
6. Ахпанов А.Н., Азаров В.А., Балгынтаев А.О. Процессуальные соглашения в уголовном судопроизводстве: законотворческий опыт Республики Казахстан. Криминологический журнал Байкальского государственного университета экономики и права. – 2015. – №2 – С.344. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnye-soglasheniya-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-zakonotvorcheskiy-opyt-respubliki-kazahstan> (мурожаат вақти: 26.01.2024).
7. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2020.
8. Мельников В.Ю. Обеспечение и защита прав человека при применении мер процессуального принуждения в досудебном производстве российской федерации: Автореф. дис. ... на соискание ученой степени канд. юрид. наук. – М., 2014.
9. Прокопова А.А. Процессуальное соглашение о признании вины в уголовном судопроизводстве республики казахстан: каких целей оно достигает? // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/protsessualnoe-soglashenie-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-respubliki-kazahstan-kakih-tseley-ono-dostigaet/viewer> (мурожаат вақти: 26.01.2024).
10. Алахунов Н.А. Правовые аспекты возможности расторжения соглашения о признании вины в уголовном судопроизводстве Киргизской Республики. // Бюллетень науки и практики – 2021 – №2 – С.277. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovye-aspekty-vozmozhnosti-rastorzheniya-soglasheniya-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-sudoproizvodstve-kirgizskoy-respubliki> (мурожаат вақти: 20.04.2024).
11. Иванов А.А. Правовое регулирование института сделок о признании вины в США. Вестник Нижегородского университета им. Н.И. Лобачевского – 2012. – № 2 – С.285. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/pravovoe-regulirovanie-instituta-sdelok-o-priznanii-viny-v-ssha> (мурожаат вақти: 20.04.2024).
12. Алёшина А.Д., Асланян А.Л., Беляева К.В., Булатова В.В. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых. – Москва – 2016. – С.40-43. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protsesse-zarubezhnyh-stran> (Мурожаат этилган сана: 13.07.2024).

13. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 10.01.2022 г.) // URL: https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575852&pos=1768;-54#pos=1768;-54 (мурожаат вақти: 03.02.2024).
14. Уголовный процессуальный кодекс Украины от 13 апреля 2012 года № 4651-VI (с изменениями и дополнениями по состоянию на 24.03.2022 г.) // URL: http://continent-online.com/Document/?doc_id=31197178 (мурожаат вақти: 16.02.2024).
15. 2021 йилда ҳар учинчи қотиллик оилавий муаммолар туфайли содир этилган — ИИБ // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2022/03/19/iiv/> (мурожаат вақти: 26.01.2024).
16. Алёшина А.Д., Асланян А.Л., Беляева К.В., Булатова В.В. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых. – Москва – 2016. // URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sdelki-o-priznanii-viny-v-ugolovnom-protsesse-zarubezhnyh-stran> / (Мурожаат этилган сана: 13.07.2024).
17. Саидов Б.А. Ишни судга қадар юритишда шахсинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашни такомиллаштириш: Юрид.фан. д-ри. (DSc) дисс. – Т., 2020. – Б.98.; Макаров А.П. Сделка о признании вины: новация УПК Украины // Ученые записки Таврического национального университета им. В.И.Вернадского. Сер. «Юридические науки». – Т. 26. – 2013. – № 1.
18. Ўзбекистон Республикаси ИИБнинг 2021 йилга доир статистик маълумотлари.
19. «Судлар томонидан оқлов ҳукмлари чиқарилмаяпти» — Шавкат Мирзиёев // URL: <https://www.gazeta.uz/uz/2016/10/22/sud/> (мурожаат вақти: 08.06.2024).
20. Уголовно-процессуальный кодекс Азербайджанской Республики (утвержден Законом Азербайджанской Республики от 14 июля 2000 года № 907-IQ) (с изменениями и дополнениями по состоянию на 08.06.2022 г.). // URL: https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=30420280 (мурожаат вақти: 15.02.2024).
21. Kriminaalmenetluse seadustik // URL: <https://estlex.ee/?id=76&aktid=54036> (мурожаат вақти: 16.02.2024).